# БУХОРО АМИРЛИГИДА “СИПОҲ” ҚАТЛАМИ ВА УНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ЎРНИ

**Г.Б.Нормуродова**

*Мақолада Бухоро амирлиги давлат бошқарувида муҳим роль ўйнаган “сипоҳ” қатлами ҳақида маълумотлар келтирилган. Асосан давлат хизматчилари ҳисобланган бу қатламнинг бошқарувдаги вазифаси, ижтимоий мавқеи ва даражалари қисқача ёритиб ўтилган.*

***Калит сўзлар**: “сипоҳ” қатлами, табақа, ҳуқуқ ва имтиёзлар, уруғдор, шогирдпеша.*

*В статье приведены сведения о социальной прослойке “сипохи”, сыгравшей важную роль в государственном управлении Бухарского эмирата. Освещены ее функции в управлении, социальный статус, иерархия рангов.*

***Ключевые слова**: прослойка “сипохи”, социальная прослойка, права и привилегии, уругдор, шогирдпеша.*

*The article contains some information about the so-called “Sipoh” layer of state servants in Bokhoro amirate, which played an important role in the management of state governance.in Bukhara emirate. It describes its functions in the governance and social status as well as hierarchy of ranks.*

***Keyword**s: “sipoh” strata, layer, rights and privileges, ulugdor, shagirdpesha.*

Ўзбек давлатчилиги тарихининг давлат бошқаруви билан боғлиқ муаммоларидан бири жамиятдаги табақалар ва турли ижтимоий гуруҳларнинг ўрганилиши масаласи бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон ҳудудидаги давлатларнинг бошқарув тизими, амаллар, унвон ва мансабларнинг даражаси ва мақоми, давлат хизматчиларининг жамиятдаги ўрни ҳам шулар жумласига киради. Зеро, ижтимоий табақа, қатламлар жамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида давлат бошқарувидан тортиб ишлаб чиқариш, савдо ва ҳоказо муносабатларда муҳим роль ўйнаган. Ўзбек хонликлари орасида ўзига хос мавқега эга бўлган Бухоро амирлиги мисолида бу масалани тадқиқ қилиш ўзига хос аҳамиятга эга ҳисобланади.

Манбаларда эътироф қилинишича, амирлик аҳолиси “*уламо*”, “*сипоҳ*” ва “*фуқаро*” каби ижтимоий тоифаларга бўлинган. Албатта, бу умумий таснифлаш бўлиб, ижтимоий стратификация (табақаланиш) назарияси ва методологияси асосида алоҳида кўриб чиқиладиган масала ҳисобланади.

Энди амирликда “сипоҳ” қатлами ва унинг бошқарув тизимидаги ўрни масаласига тўхталсак. Амирликда “хизматдор кишилар” умумий ном билан “сипоҳ” деб юритилган. Яъни бу тоифа руҳонийлар (уламо) ҳамда фуқаро (оддий халқ) тоифасидан, аввало, давлат бошқарувининг марказий ва маҳаллий тизими соҳасида бажарган вазифаси, даражаси ва ҳ.к. ижтимоий белгилари билан ажралиб турган. Бу қатлам вакиллари асосан бошқарув тизимида фуқаролик ва ҳарбий ишларни юритган бўлиб, амирнинг биринчи амалдори бўлган қушбегидан тортиб юзбоши мансабигача бўлган амал ва вазифаларни бажаришган. “Сипоҳ” қатлами ижтимоий келиб чиқишига кўра олийнасаб ва оддийлар тоифасига бўлинган. Олийнасаблар[1] ўз навбатида олий табақанинг асосини ташкил этган.

Бухоро амирлигидаги давлат мансаби, лавозимлар ва унвонлар тўғрисида муфассал маълумот берувчи, баъзи бир ўзгаришлар билан амирлик тугатилгунга қадар сақланиб қолган “Мажмаъ ал-арқом” асари муҳим аҳамиятга эга. Бироқ XIX аср биринчи ярмида амирликдаги дунёвий ва диний амалларни маҳаллий тарихчилар асарлари билан солиштирган Фон Кегельгеннинг қайд қилишича, на сарой тарихчилари асарларида ва на “Мажмаъ ал-арқом” асарида амалларни “ҳарбий”, “фуқаролик” ёки “диний” сифатида белгиланиши тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган [1.100]. Муаллиф амирликда сиёсий ва ҳарбий устунлик нуфузли ўзбек уруғлари томонида бўлгани, шунингдек, кўпгина юқори амаллар саййид ва хўжаларга тегишли бўлганини таъкидлаб ўтган.

XIX аср ўрталарида амирликда бўлган А.Вамбери ҳарбий ва фуқаролик ишларини юритувчи амалдорларни қуйидагича: а) катта сипоҳи – оталиқ, девонбеги, парвоначи (олий амалдорлар), б) ўрта сипоҳи – тўқсабо, иноқ, мирохур (ўрта амалдорлар), с) қуйи сипоҳи – чеҳраоқаси, мирзабоши, ясовулбеги ва қоровулбеги, юзбоши, пенжабоши, ўнбоши (қуйи амалдорлар) деб бўлиб кўрсатган. Биринчи икки гуруҳ амалдорларига фақат уруғдорлар[2*] қабул қилиниб, улар ёрлиқ асосида ишга киришганини таъкидлаб ўтган [2.185].

[1]Амирликда олий табақа асоси – олийнасаб саййидлар, хўжалар (Муҳаммад пайғамбар ҳамда чориёр халифалар авлодлари) ва уруғдорлардан иборат бўлган.

[2]Уруғдорлар – бу гуруҳга давлатга хизмат кўрсатиб танилган, нуфузли ўзбек уруғ вакиллари кирган. Масалан, оқ манғит, кўк манғит ва ҳ.к.

Бир ҳолатни қайд этиш лозим: амирликда унвон ва мансаблар табақалар тоифасига қараб берилган. Яъни амирликда саййид ва хўжалардан кейинги нуфузли табақани уруғдор ва шогирдпешалар[1] ташкил этган. Масалан, манбаларга кўра, уруғдор табақаси парвоначи, девонбеги, оталиқ каби мансабларга кўтарилиши мумкин бўлиб, булар амирликда юқори мансаблар ҳисобланган. Шогирдпеша табақасига эса чеҳраоқаси, мирохур, додхоҳ, иноқ каби мансаб даражалари берилган [3.183-185]. Кўпинча эътиборли ўзбек уруғларининг вакиллари юқори ҳарбий-маъмурий даражаларни олишга муваффақ бўлишган. Бироқ XIX аср охирларига келиб бу ҳолат ўзгарган бўлиб, юқори давлат лавозимларига олий табақа ёки уруғдорликка мансуб бўлмаган амирга яқин кишилар ҳам тайинлангани тадқиқотларда аниқланди. Яна қайси табақага мансублигидан қатъи назар, иқтидорли кишилар ҳам юқори давлат даражаларини эгаллашга муваффақ бўлишган. Кўп ҳолларда энг юқори даражалар бўлмиш қушбеги (бош вазир), девонбеги (амир маъмурияти раҳбари) даражасига форсий қуллар тайинлангани ҳам тарихий манбалардан маълум. Масалан, рус элчиси В. Крестовский амирликка ташриф қилган чоғида қушбеги лавозимида бўлган Муҳаммадбий[2] шогирдпешага мансуб вакил бўлганини таъкидлайди [4.286]. Фикримизча, бошқарув лавозимлардаги бундай алмашинув ҳолати уруғ-қабилачилик муносабатлари, маҳаллий зодагонлар томонидан фитна уюштирилишининг олдини олиш ва сулола хавфсизлигини сақлашга хизмат қилган.

Бухоро амирлиги Қушбеги девонхонаси ҳужжатларига кўра, Амир Абдулаҳадхон ҳокимият тепасига келгач, қушбеги томонидан юқори давлат лавозимлари тўғрисида ҳисобот берилиб, қуйидагилар: қушбеги, қози калон, садри раис, олий амалдорлар (*саркардалар*), ҳарбий қўмондонлик вакиллари *(қатор саркардалар*), сарой амалдорлари (*ғуломони амалдори навкария*) ва ҳарбий амалдорлар (*ғуломони сарбозия*) шулар жумласига киритилган [5].

Амир Олимхон даврига келиб амалдор ва мансабдорлар кўтарилиши мумкин даражалар: 1.Чеҳраоқаси, 2. Мирзабоши, 3. Тунқатор, 4. Жибачи, 5. Қоровулбеги, 6. Мирохур, 7. Тўқсабо, 8.Эшикоқобоши, 9. Бий, 10. Парвоначи, 11. Додхоҳ, 12. Кичик иноқ, 13. Катта иноқ, 14. Девонбеги, 15. Қушбеги, 16. Оталиқ бўлиб, тўқсабодан бошлаб вилоят ҳокими бўлиш мумкин эди. Энг юқори даражадаги амаллар қушбеги, девонбеги, парвоначи, иноқ, додхоҳ, тўқсабо, тўпчибошилар бўлиб, Амир Олимхон мансабдорлари ва ҳарбий амалдорларига хизматлари учун Александр III орденини берган [6.34].

Ўрта Осиё ҳадя ёрлиқлари рўйхати таҳлил қилинганда [7.27-34], у ёки бу амал эгаси бир вақтнинг ўзида мансаб даражаларига эгалик қилганини кўриш мумкин. Масалан, 1918 йилда Амир Олимхон томонидан берилган фармонда амирнинг яқин маҳрамларидан ҳисобланган Раҳмонқулибек бий, додхоҳ, саркардага танҳо мулки инъом қилинган. Ёки Амир Абдулаҳаднинг ҳадя ёрлиқларидан бири Муҳаммад Шариф бий, парвоначини Бухоронинг девонбеги лавозимига тайинлаш тўғрисида бўлиб, унда, шунингдек, барча саййидлар, уламолар, амирлар, жамиятнинг юқори ва қуйи қатламларига шу лавозим эгасига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш ҳамда сўзсиз буйсуниш буюрилган. Юқоридаги маълумотлардан англанадики, бий, додхоҳ, парвоначи, девонбеги сингарилар мансаб даражалари ҳисобланиб, даражаларнинг номлари ва маъноси одат нормаларига асосланган. Масалан, жибачи (совутбардор), қоровулбеги (қоровуллар бошлиғи), мирохур (отхона бошлиғи), тўқсабо (ўз туғига эга); додхоҳ (шикоятларни ўрганиб чиқувчи), иноқ (ҳукмдорга яқин маслаҳатчи), парвоначи (давлат бошлиғи фармонини узатувчи), девонбеги (девон бошлиғи), оталиқ (ота ўрнида маслаҳатчи) ва бошқалар.

Масалан, тўпчибоши (қўшин бошлиғи) ёки тўпчибоши дарвоза (амирлик хавфсизлик идораси бошлиғи) мансабини эгаллаш учун шахс камида 10-умаро даражаси, яъни додхоҳ даражасига кўтарилиши керак эди. У ёки бу даражани амалдорга бериш ёки уларни бу даражадан маҳрум қилиш масаласи шахсан амир томонидан ҳал қилинган. Бунда шахснинг давлат олдидаги ҳарбий ёки маъмурий хизматлари, қобилияти ва қайси табақадан эканлиги муҳим роль ўйнаган. Маълум амал даражаларига эга бўлмаган амалдорлар эса навкар ёки тархонлар тоифасига киритилган ҳамда улар давлатга тўланадиган солиқ-тўловлардан озод этилган.

XX аср бошларида Бухоро амирлигида бўлган амаллар ва уларнинг бажарган вазифалари тўғрисида Садри Зиё Бухорий ҳам батафсил маълумотлар берган. Унинг таъкидлашича, тўртта улуғроқ даражадаги амаллар мавжуд бўлиб, уларнинг эгалари амир ҳузурида ўтириш учун муайян ўринларга эга бўлган. Биринчиси оталиқ – подшоҳнинг отаси ўрнида бўлиб, Бухоро суви Самарқанддан то Қоракўлгача барча туманларнинг суғорилиши ва сувининг тенг тақсимоти унинг ихтиёрида бўлган. Иккинчиси девонбеги калон – унинг ихтиёрида вилоятлар хирожини барча масъул амалдорлар ва бошқалардан олиш бўлган. Қоракўлнинг мироблиги (сув тақсимоти) ҳам девонбеги калон вазифасига кирган. Учинчиси парвоначи – олий ҳукмдорнинг умаро, уламо ва барча аҳолига қилган олий буйруқлари ва имзолаган фармон, кўрсатмалари парвоначи орқали эгаларига етказилган. Тўртинчиси додхоҳ амали бўлиб, арзгўйлар ва талабгорларнинг арзларини амирга етказиб, сўнгра жавобини олиб уларга қайта етказган [8.39-42].

Кўпгина давлат лавозимлари бир вақтнинг ўзида мансабни ҳам ифодалаган. Масалан, қушбеги энг юқори лавозим даражаларидан бири ва бир вақт-

[3]Шогирдпеша – амирликда бу гуруҳга барча форс, тожиклар киритилган.

[2]В.Крестовский Муҳаммадбий қушбегининг асли форс, келиб чиқиши қуллардан бўлган, деб айтган.

нинг ўзида бош вазир ваколатига эга бўлган мансаб ҳисобланган. “Тарихи нофеий” асарида келтирилишича, қушбегини *“вазоратпаноҳ”, “вазорати олий”* деб айтишган. Давлатнинг ҳамма ишлари унинг қўлида бўлган. У давлатнинг эски, тажрибали, ишбилармон, сиёсий аҳволдан хабардор одамларидан тасдиқланган. Номзод аввал девонбеги мансабига эришиши лозим бўлиб, шунда қушбеги бўлишга лойиқ саналган. Қушбеги мансаби ҳам иккита бўлган. Биринчиси – “қушбеги калон”, иккинчиси – “қушбеги поён”. Қушбеги калоннинг ҳуқуқи бошқа вазирларникидан ортиқ бўлиб, у ҳибсга олиш, жазо бериш, қатл қилиш, гуноҳкор молини мусодара этиш ҳуқуқларига эга бўлган [9.26]. Гарчи оталиқ даражаси қушбегидан юқори турса-да, аслида, у номинал хусусиятга эга бўлган, чунки бу даража фақат вояга етмаган давлат бошлиғига маслаҳатчи-регент керак бўлган вақтда аҳамиятли эди.

Барча умаро даражалари 3 бўғинга ажралган. Қуйи бўғинга саккизта даража (баҳодирдан эшикоғобошигача), ўрта бўғинга бешта даража (бийдан девонбегигача), юқори бўғинга иккита даража (қушбеги ва оталиқ) кирган. Ҳар бир бўғин даражаларига муайян рамзий унвон ва ном инъом этилган. Қуйи даража эгалари унвон номлари билан юқори даража эгаларига мурожаат қилиши лозим бўлган. Қуйи бўғин даражаларига *муборазатпаноҳ* (уруш паноҳи), ўрта бўғин даражалари *аморатпаноҳ* (бошқарув паноҳи), юқори бўғин даражаларига *вазоратпаноҳ* (ҳукумат паноҳи) деган унвон берилган, давлат бошлиғи – амир тахтга ўтириши билан олампаноҳ (мамлакат паноҳи) унвонига эга бўлган. Қуйи бўғин даражаларини эгаллаган шахслар бошқарувда қуйи ва ўрта мансабларга эгалик қила олишган, ўрта бўғин даражаларига эга шахслар маҳаллий ва марказий бошқарувда юқори мансабларга эга бўла олишган, юқори бўғин даражаларига эга шахслар эса ҳукуматга раҳбарлик қила олишган. Ҳар бир унвон ва даража эгаси махсус давлат белгилари билан таъминланган. Бундай махсус белгиларга туғ, махсус кийим ва белбоғ, амир фармони ва унвон муҳри кирган.

Амирликда “сипоҳ” қатламининг моддий таъминланганлик даражаси, одатда, муайян даражадаги мансаб ва лавозимлар, уларнинг давлат олдидаги хизматлари билан боғлиқ бўлиб, бунда уларга ҳам пул, ҳам ер-мулк тарзидаги инъомлар берилган. Масалан, шундай инъом қилинган йирик ер-мулк тоифасига танҳо кирган. Бир хил даражадаги амалдорлар турли миқдордаги танҳо мулкига эга бўлишган. Мисол, бир амалдор 250 таноб, бошқаси эса 100 таноб ерга эга бўлган бундай танҳодорлар кўплаб учрайди. Амир Олимхон ёрлиқларидан бирида давлат олдидаги хизматлари учун Абдусатторбек додхоҳга 1000 таноб ер танҳо сифатида берилган [10.15,36]. Қисқаси, ҳужжатларда бундай рақамлар турлича кўрсатилган бўлиб, бу ҳолат амалдорнинг ижтимоий мавқеи, унвон ва даражаси билан боғлиқ бўлган.

Қисқача хулоса қилинганда, Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётида “сипоҳ” қатлами муҳим роль ўйнаб, бошқарувнинг марказий қисмидан тортиб маҳаллий бўғинигача турли амал, даража ва унвонларга эгалик қилишган. Бу қатлам вакилларининг жамиятдаги мавқеи, даражаси асосан, наслий, одат ёки қонуний жиҳатдан белгиланган табақавий ҳуқуқ ва имтиёзлар билан мустаҳкамланган. Бу қатлам давлат бошқарувининг деярли барча соҳаларида, яъни сарой маҳкамасидан тортиб солиқ йиғим-теримлари, ҳарбий тизимгача бўлган жараёнларда фаол иштирок этган. Амалдорлар қатламига, одатда, давлат олдидаги хизматлари учун ҳам пул, ҳам турли ер-мулклари инъом қилинган. Уларга кенг ижтимоий ҳуқуқ ва имтиёзлар ҳам берилиб, бу қатлам ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда давлатнинг асосий таянчи ҳисобланган.

**Адабиётлар:**

1. Анке Фон Кюгельген. Легимитация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). – Алматы: “Дайк-Пресс”, 2004. – 516 с.

2. Вамбери А. Очерки Средней Азии. – М.: Мамонтова А.И, 1868. – 361 с.

3. Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – 281 с.

4. Крестовский В.В. В гостях у бухарского эмира. - СПб., 1887. – 442 с.

5. ЎзР МДА, И-126-жамғарма, 1-рўйхат, йиғма жилд-41, варақлар 1-4.

6. Воҳидов Ш. Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 72 б.

7. Каталог Среднеазиатских жалованных грамот. – OWZ Halle (Saale), 2007.- 125 с.

8. Воҳидова Т. Садри Зиё Бухорий ва унинг илмий мероси // Сино. Илмий-маърифий журнал.- 2007.- 25 март.- Б. 39-42.

9. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеий. / Тожик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳидов, Зоир Чориев.– Т.: Академия, 2001. – 122 б.

10. ЎзР МДА, И-126-жамғарма, 1-рўйхат, 946- йиғма жилд, варақ 1.

*Самарқанд давлат университети,*
*2016 йил 16 июнда қабул қилинган*
*(Тақризчи: доц. С.Ҳошимов)*